

Имоми Шофеъий ва у кишининг мазҳаблари

21:53 / 27.04.2017 17485

Имоми Шофеъий Муҳаммад ибн Идрис 150 ҳижрий санада Имом Абу Ҳанифанинг вафот этган кунлари дунёга келдилар. У киши арабларнинг машҳур Қурайш қабиласига мансубдурлар. Кичикликларидан бошлаб илм талаби ила машғул бўлдилар. Арабларнинг одати бўйича саҳродаги қабилалардан Ҳузайл қабиласи билан бир неча йил яшаб, уларнинг шеърлар ва хабарларини, араб тили фасоҳати, балоғатини ўргандилар. Маккага қайтиб келганларида баъзи фозиллар у кишига "тил, фасоҳат ва заковат эгаси бўлиб туриб фикҳ ўрганмасанг бўлмайди, агар шуни қилсанг ўз замонингни улуғи бўласан", дейишди. Ҳамда Имом Молик ибн Анас ҳузурига бориб, таълим олишни маслаҳат беришди. Шундай бўлди ҳам. Имом Шофеъий ўз замонасида машҳур бўлган илмларнинг кўпида ешқадам бўлиб етишдилар. Юнус ибн Абдил Аъло бу ҳақда: "Шофеъий араб тили ҳақида гапирса, бу ушбу илмда ҳаммадан пешқадам, дер едим. Агар шеърдан сўз очса, бу ушбу илмда ҳаммадан пешқадам, дер эдим. Агар фикҳдан сўз очса, бу ушбу илмда ҳаммадан пешқадам, дер эдим", дейдилар. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал бўлса, сиёҳдон кўтарган ҳар бир кишининг зиммасида Шофеъийнинг ҳаққибор, дейдилар.

Илмларни мукаммал эгаллаб бўлган Имом Шофеъий Замзам қудуғига яқин жойдан макон олиб, дарс айтишни бошлайдилар. У ерда ажойиб бир ҳусн ила ўтириб, тавозуъ ила одамларни илмлардан манфаатлантирар, саволларига жавоб берар эдилар. Аста-секин у кишининг ихлосмандлари, шогирдлари кўпая бошлади. Бошқа бир мазҳабга кейинроқ асос солган Имом Аҳмад ибн Ҳанбал у кишининг бош шогирдларидан ҳисобланади. Имом Абу Ҳанифа ва Имом Моликлардан фарқли ўлароқ, Имом Шофеъий сафарни ёқтирар ва кўп сафар қилар эдилар. Гўдаклариди Ғаззадан Ҳижозга ота-онаси кўтариб келган бўлса, Ҳижозда ўзи шаҳар, қишлоқ ва саҳро кезди. Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара орасида борди-келдилари кўпайди. Вақти келганда иш билан Яманга бордилар. Ироққа бир неча марта сафар қилдилар.

Имом Шофеъий қайрда бўлса ҳам илм, одоб, диндорлик, тақво уруғларини сочар эдилар. Ўша вақтнинг уламолари Имом Шофеъийни тақдирлаб, илмларига қойил қолиб, имомликларини тан олдилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Имом Шофеъийни Пайғамбарнинг (с.а.в.): "Албатта Аллоҳ бу умматга ҳар юз йил бошида унинг дини янгилайдиган кишини

юборади", деган ҳадисларига биноан, иккинчи ҳижрий сананинг мужаддидлари ҳисобланади", дедилар.

"Табақотуш Шофеъия" китобининг муаллифи Абул Осим ал-Ибодий эса, Имом Шофеъий Пайғамбарнинг (с.а.в.): "Қурайшни сўкманглар, унинг олими ер атрофини илмга тўлғизади, деган ҳадисларидаги "Қурайш олими" дир ", дейди.

Барча раббоний уламолар қатори Имом Шофеъий ҳам сиёсатчиларнинг шубҳаси ва ҳадигидан четда қолмадилар. У кишининг халқ оммаси ичидаги чексиз обрўси ўша вақт ҳукмдорларини ташвишга соларди. Ҳукумат тарафдорлари Имомнинг бир оғиз сўздан ҳам айб топишга интизор бўлиб турардилар. Ниҳоят, ифвогарлар ўз мақсадига эришдилар. Имом Шофеъий Нажронда ишлаб турган пайтларида давлатга қарши чиқишда айибланиб, тўққизта алавийлар (ҳазрати Али авлодлари) билан бирга ушланиб, Бағдодга юборилди. Ўша вақтда Хорун ар-Рашид халифа эди. Ушланглар бир-бир сўроқ қилиниб, бошлари таналаридан жудо қилинди. Охири навбат Имом Шофеъийга келди. Шунда, Аллоҳнинг инояти билан, чуқур илм, ўткир ақл-заковат ва ҳушёрлик сабаб бўлиб, Имом Шофеъийнинг қил устида турган ҳаёти омон, қилич остида турган боши соғ қолди. Халифа Хорун ар-Рашид у кишининг гапларидан қаноат ҳосил қилди ва бошқа масалаларни сўрай бошлади ва ниҳоят, Имомдан ўзига ваъз-насиҳат қилишни сўради. Ваъзни эшитиб йиғлади ва Имом Шофеъийга элик минг танга бериб, от миндирди. Имом Шофеъий халифанинг олдидан отни миниб чиқиб кетдилар. Дарвоза олдида етганда у ерда турганларга тангаларни бўлиб бериб, йўлларида равона бўлдилар. Имом Шофеъий 204 ҳ.санада вафот этдилар.

Имом Шофеъий ўзларининг фикҳий мазҳабларига бошқа имомларимиз каби Қуръон, суннат, ижмоъ ва қиёсни асос қилиб олдилар. У киши Имом Абу Ҳанифа ва Имом Моликдан кейин сояга етганликлари туфайли икковларининг мазҳабларини, илмий меросларини яхшилаб ўрганиш имконига эга бўлдилар. Имом Молик ҳузурларида шогирд бўлиб, дарс олдилар. Ушбу омиллар Имом Шофеъийнинг фикҳий мазҳабларида ҳам ўз изини қолдирди. У киши Абу Ҳанифанинг райъ-фикр мактабидан ҳам фойдаланиб, ўртачи бир мактабга асос солдилар.

Райъ мадрасасидагилар фикҳий масалаларда баҳс-мунозара ва тортишувлар йўлидан юрган кишилар эди. Ҳадис мадрасаси соҳиблари эса, ҳар бир масалага ҳадис келтиришга иштиёқлари зўр эди. Имом Шофеъий эса, ўрни келганда, ҳар иккисини ишлатишни йўлга қўйдилар.

Имом Шофеъий фикҳий масалаларни ечиш билан бирга, уларни қайси қоида асосида ечганларини ҳам баён қилиб борар эдилар. Бунинг натижаси ўлароқ, у киши янги илм - "Усули фикҳ" илмига асос солдилар. У

кишидан олдин бу илм, умуман, йўқ эди.

Имом Шофеъий ижмоънинг шартлари, унинг қай даражадагиси тўғрию, қайсиниси нотўғри эканлигини билдирувчи аломатларни белгилаб бердилар.

Худди шунингдек, қиёснинг ҳам чегараларива шартларини баён қилдилар.

Имом Шофеъий бошқа фақиҳлар ўзларига манба деб ҳисоблаган "Истиҳсон"ни қабул этмадилар. Уни хато, деб тушундилар.

Бу улуғ имомнинг "ар-Рисола" ва "ал-Умм" номли китоблари ҳозиргача бутун Ислом оламида машҳурдир.